

Қ А Р О Р

(маъмурий жазо кўллаш тўғрисида)

2016 йил 15 сентябрь

Урганч шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг биносида, очик суд мажлисида, Урганч туман судининг раиси М.С.Махмудовнинг раислигида, Д.Худаяровнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилган деб эътироф қилинган Масабуров Озат Бегжановичга нисбатан тўпланган маъмурий иш ҳужжатларини кўриб, суд куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ҳуқуқбузар: Масабуров Озат Бегжанович, 1962 йил 10 март куни Хоразм вилоятининг Урганч туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 11 нафар фарзандлари бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган, 2-гурух ногирони, Урганч тумани, “Чаккашоликор” қишлоғи, “Чаккашоликор” маҳалласида яшайди.

Ҳуқуқбузар О.Масабуров, 2016 йил 15 сентябрь куни ўзининг Урганч тумани, “Чаккашоликор” қишлоғи, “Чаккашоликор” маҳалласи ҳудудида жойлашган яшаш уйининг кўча томонида, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, жамоат жойида ҳар хил уятли сўзлар билан собиқ турмуш ўртоғи Г.Султоновани ҳақорат қилиб, шу маҳаллада яшовчиларни тинчлиги ва осойишталигини бузиб, майда безорилик ҳаракатларини содир қилган.

Ҳуқуқбузар О.Масабуров ўзининг бу гайриҳуқуқий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилган.

Ҳуқуқбузар О.Масабуров судда, айбига иқрорлик билдирмасдан, 2016 йил 15 сентябрь куни ўғли телефон қилиб, унга собиқ турмуш ўртоғи Г.Султонова Урганч тумани, “Чаккашоликор” қишлоғи, “Чаккашоликор” маҳалласи ҳудудида жойлашган яшаш уйига келиб, қизларини олиб кетишга келганлигини айтганлигини, шунда ўзи собиқ турмуш ўртоғи Г.Султоновага телефон орқали, болаларни олиб кетишга ҳаққи йўқ эканлигини айтганлигини, чунки унда бу фарзандларини ўз қарамоғида қолдирилганлиги тўғрисида фуқаролик судининг ҳал қилув қарори борлигини, шунга қарамасдан, собиқ турмуш ўртоғи Г.Султонова фарзандларини олиб кетишга уринганлигини, шу сабабли, Урганч тумани, “Чаккашоликор” қишлоғи, “Чаккашоликор” маҳалласи ҳудудида жойлашган яшаш уйига борганлигини, собиқ турмуш ўртоғи Г.Султонова унга тухмат қилишини олдини олиш мақсадида, туман ИИБга телефон қилиб, улардан ўзининг Урганч тумани, “Чаккашоликор” қишлоғи, “Чаккашоликор” маҳалласи ҳудудида жойлашган яшаш уйига келишларини айтганлигини, кейин ўзи тезда уйига борганлигини, уйига бориб қараса, собиқ турмуш ўртоғи Г.Султоновани болаларини олиб кетишга уринаётганлигини кўрганлигини, лекин, туман ИИБ ходимлари ўз вақтида етиб келмаганлигини, кейин собиқ турмуш ўртоғи Г.Султоновани ёмон сўзлар билан ҳақорат қилмасдан, уни урмасдан уйдан жўнатиб юборганлигини, кейин билса собиқ турмуш ўртоғи Г.Султонова унга тухмат қилиб, туман ИИБга шикоят қилганлигини, шу сабабли, орадан биров вақт ўтгач туман ИИБ ходимлари келиб, уни олиб кетишмоқчи бўлишганлигини, ўзи улардан аранг қочиб, туман ИИБ ходимларининг ушбу хатт-ҳаракатларидан шикоят қилиш мақсадида машинасига ўтириб, МХХ Хоразм вилоят бошқармаси биносига борганлигини, ичкарига кириб, МХХ Хоразм вилоят бошқармаси ходимига бўлган воқеани айтганлигини, МХХ Хоразм вилоят бошқармаси ходими уни шикоятини эшитиб, унга прокуратурага шикоят қилиши лозимлигини тушунтирганлигини, кейин МХХ Хоразм вилоят бошқармаси биносидан чиққач туман ИИБ ходимлари уни қўлга олиб, суд залига олиб келганлигини, ўзини ҳеч қандай айби йўқлигини билдириб, ўзига нисбатан адолатли қарор қабул қилишни сўраб, тушунтириш берди.

ASLIGA TO'G'RI

Жабрланувчи Г.Султонова судда, собиқ турмуш ўртоғи О.Масабуров билан 2012 йилда никоҳдан ажрашганлигини, ундан 2 нафар ногирон қиз фарзанд кўрганлигини, 2 нафар фарзандлари ҳозирда фуқаролик судининг ҳал қилув қарорига асосан, собиқ турмуш ўртоғи О.Масабуровнинг қарамоғида қолдирилганлигини, ҳозирда ушбу қарорни бекор қилиш бўйича шикоят ариза ёзганлигини ва ушбу фуқаролик иши 2016 йил 16 сентябрь куни кўрилишини, шу сабабли суддан олдин, яъни 2016 йил 15 сентябрь куни қизларини кўриш мақсадида собиқ турмуш ўртоғи О.Масабуровнинг Урганч тумани, “Чаккашоликор” қишлоғи, “Чаккашоликор” маҳалласи ҳудудида жойлашган яшаш уйига борганлигини, бориб қараса, қизлари аянчли аҳволда ўша уйда яшаб юрганликларини кўрганлигини, уларни бундай аҳволда кўриб, жуда сиқилганлигини ва шу сабабли қизларини ўзи билан бирга олиб кетишга қарор қилганлигини, қизларини олиб кетмокчи бўлганида, собиқ турмуш ўртоғи О.Масабуровнинг бошқа турмуш ўртоғи орқали орттирган ўғли Мустафо, унга қаршилиқ билдириб, собиқ турмуш ўртоғи О.Масабуров келмагунча қизларини уйига олиб кетишига йўл қўймаслигини айтганлигини, шунда ўзи собиқ турмуш ўртоғи О.Масабуровга телефон қилганлигини, телефонда унга қизларини олиб кетишини айтганлигини, шунда собиқ турмуш ўртоғи О.Масабуров телефонда “қизларни олиб кетмайсан, агар олиб кетсанг ёмон қиламан” деб айтганлигини, шунда ўзи ҳам “нима қилсангиз қилаверинг, барибир уларни олиб кетаман” деб айтганлигини, бироз вақт ўтиб туман ИИБ ходимлари келиб, нима гаплигини сўраганлигини, шунда ўзи туман ИИБ ходимларига қизларини кўриш учун келганлигини айтганлигини, кейин буни эшитиб, жанжал йўқлигини кўриб, туман ИИБ ходимлари қайтиб кетишганлигини, орадан бироз вақт ўтиб, собиқ турмуш ўртоғи О.Масабуров келганлигини, келиб қизларини машинасига ўтказиб, уларни ўғли Мустафо билан жўнатиб юборганлигини, кейин собиқ турмуш ўртоғи О.Масабуров уни кўни-кўшнилар олдида ёмон сўзлар билан ҳақорат қилиб, шаънини камситиб, оёғининг тегига олиб, уни йикитиб, урганлигини, кейин секин ўрнидан туриб, туман ИИБга бориб, бўлиб ўтган воқеаларни баён қилиб, собиқ турмуш ўртоғи О.Масабуровга қонуний чора кўриш мақсадида ариза берганлигини, собиқ турмуш ўртоғи О.Масабуровни қилган қилмиши учун кечирмаслигини, унга қонун доирасида чора кўришни сўраб, тушунтириш берди.

Ҳуқуқбузар О.Масабуров ўз айбига иқрорлик билдирмасида унинг айби, жабрланувчи Г.Султанованинг суддаги, гувоҳлар Б.Абдуллаев ва Ф.Бобожоновларнинг суриштирувдаги тушунтиришлари, баённома, далолатнома, талабнома, маъмурий баённома, ҳамда ишдаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан судда ўз тасдиғини топади.

Суд, ҳуқуқбузар деб эътироф қилинган О.Масабуровнинг суд мажлисида айбини тан олмасдан, *“ўша куни ўзи Г.Султоновани уятли сўзлар билан ҳақорат қилмаганлигини”* билдириб берган тушунтиришига ҳуқуқий баҳо бериб, гувоҳлар гувоҳлар Б.Абдуллаев ва Ф.Бобожоновларнинг суриштирувдаги тушунтиришларини ва жабрланувчи Г.Султонованинг суд мажлисидаги тушунтиришларини инобатга олиб, О.Масабуровнинг ушбу тушунтиришини ишончга сазовор эмас ва бундай тушунтириш бериш орқали ўз аҳволини енгиллаштириш ва жавобгарликдан қутилиш мақсадида берилган тушунтириши деб, танқидий баҳолашни лозим топади.

Суд, суриштирув органи томонидан ҳуқуқбузар О.Масабуровнинг айби - майда безорилик, яъни жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи хатти-ҳаракатларида ифодаланадиган гайриҳуқуқий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, ҳуқуқбузар О.Масабуровга нисбатан жазо тайинлашда, унинг оилавий ва моддий аҳволини, 11 нафар фарзандлари борлигини, 2-гурух ногирони эканлигини, яшаш жойидан салбий тавсифланганлигини, жабрланувчи Г.Султоновани унга нисбатан даъвоси борлигини инобатга олишни лозим топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 245, 307-310-моддаларини қўллаб, суд

ASLIGA TO'G'RI


ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ҳуқуқбузар Масабуров Озат Бегжанович Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан айбли деб топилсин ва унга нисбатан ушбу модда билан, энг кам ойлик иш хақи 130.240 сўмнинг сўмнинг 5 (беш) баравари, яъни 651.200 (олти юз эллик бир минг икки юз) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин.

Манфаатдор тарафларга ҳуқуқбузарлик натижасида ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик иш юритуви тартибида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Қарордан норози тарафлар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, 10 кунлик муддат ичида ушбу суд орқали жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судига кассация тартибида шикоят қилиши, прокурор протест келтириши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича
Урганч туман судининг раиси



М.С.Махмудов

